

ОСУДА ДАМЛАР КАДРИ

Хар биримиз ҳаётда эзгу ниятлар билан яшаймиз. Озуларнинг рўёбга чиқиши учун аввало тинчлик-хотиржамлик зарур. Осуда дамлар кадрини биз — андижонликлар ҳам қалбдан англаймиз. Корхонамизда иш бир маромда давом этмоқда. Мураккаб жараёнларни бошқараётган ишчилар, мутахассислар сифатли тола ишлаб чиқариш учун барча имкониятни ишга солишяпти.

Бизда бир-бирини кўрлаш, меҳр-оқибат кўрсатиш ҳаётимиз мезонига айланган. Елланма ишчилар меҳнатини муҳофаза қилиш масаласи меъёрий ҳужжат — жамоа шартномасида ўз ифодасини топган. Сўнгги йилларда ижтимоий ҳимоя яхши йўлга қўйилмоқда. Ишловчилар махсус кийим-бош, ҳимоя воситалари билан таъминланган. Ойлик маош ўрта ҳисобда 50 минг сўмни ташкил этаётти.

Каерда меҳнат муносиб равишда кадрланса, ишчи-хизматчилар ўзини аямай ишлайдилар. Меҳнат унвондорлигини ошириш, махсус сифатини яхшилаш юзасидан тақлифларни илгари сурадилар. Жамоадаги кўтаринкилик, соғлом муҳит ҳамда режаларнинг ортиси билан бажарилаётганлигининг бош омили — ишловчиларга алоҳида ғамхўрлик кўрсатилаётганидир. Хар йили Наманган шаҳридаги «Гулжон» санаторийида ҳордиқ чиқарамиз. Жорий йилнинг ўтган ойлари ичида 25 киши ўз саломатлигини мустаҳкамлади. «Пахтаой» оромгоҳида эса фарзандларимиз ёзги таътилни кўнгилдагидай ўтказадилар.

Кўргонтепа пахта тозалаш корхонаси маъмурияти, касабга уюшма кўмитаси ижтимоий ҳимоя масаласига алоҳида эътибор бериб келяпти. Шу ўринда биргина мисол. Бир вақтлар назардан четда қолган ёрдамчи ҳужаликни тиклашга ғайрат билан ки-

ришилди. Чорва моллари туёқ сони кўпайди. Иссиқхонада помидор, бодринг етиштириш йўлга қўйилди. Ёрдамчи ҳужалик неъматлари эндиликда ишчилар дастурхонини беэмоқда. Ошхонамизда бепул иссиқ оват тайёрланди.

Натижалар ҳам шунга яраша. Жорий йилнинг биринчи чорагида белгиланганда кўп — 2442 тонна тола ишлаб чиқарилди. Бу демак, буюртмачиларга 2 миллиард 169 миллион сўмликдан ортиқ товар-махсулот сотилди.

Янгича аъёналар ҳаётимизга чуқурроқ сингиб бормоқда. Яқинда фидойи инсон Мақсудахон Ғоиповани пенсияга кузатиш масаласи бўлди. Тадбирга меҳнат фахрийлари, ён-атрофдаги маҳаллаларнинг фаоллари ҳам тақлиф этилдилар. Маъмурият ва касабга уюшма томонидан онахонга бир сидра кийим-бош, ғилам ҳамда пул мукофоти берилди.

Биз — андижонликлар эзгуликка интилувчи, яхши ишларни биладиган кишилармиз. Бирдан-бир ниятимиз она Ўзбекистонимизни улуғлаш, мустақиллигимизни мустаҳкамлаш ишига муносиб ҳисса қўшишдир. Эндиликда одамларимиз ярамас гуруҳлар, чувчварани хом санганларнинг пуч ёлгонларига учиб, уларга эргашиб кетаверадиган оломон эмас. Шу осуда кунларимизни ҳеч нарсага, ҳеч қачон алишмаймиз.

М.ҒОҒУРОВА,
корхона ишчиси



Фарход Ақромжонов замон киши. У кишлоқдошларимизни доимий иш билан таъминлаб, ижтимоий ҳимоясини яхши йўлга қўйган асл тадбиркор. Балиқчи туманида унинг ташаббуси билан асос солинган «Пахлавон» хусусий ишлаб чиқариш фирмаси мустақиллик меваси. Дастлабки кезларда иш юритиш осон кечмади. Ғишт заводи, ғилам тўқиш, тикиш-бичиш цехларини қуриб юргизиш, керакли дастгоҳларни келтириш ва мутахассисларни жалб этиш катта маблағ талаб этарди. Давлат томонидан яратилган имкониятлардан унумли фойдаланган тадбиркор 40 киши билан фаолият бошлаб, биринчи мавсумдаёқ қарийб 600 миллион сўмлик махсулот ишлаб чиқарди.

Излашиш давом этди. Тармоқларни кенгайтириш, харидоргири махсулотлар ишлаб чиқариш пайида бўлди. Вақт ўтиши билан асфальт, оҳак ҳамда шишани қайта ишлаш цехлари, маийши хизмат кўрсатиш тармоқлари, савдо расталари, чорва махсулотларини қайта ишлаш, транспорт хизмати кўрсатиш каби ўндан ортиқ тар-

этилди. Хонадонларда бўш ўтирган хотин-қизлар ғилам тўқиш сирларини ўргана бошладилар. Иш бошидан пухта ташкил этилганлиги, иш бевурачнинг омилкорлиги ва қатъияти туфайли қисқа вақт ичида хусусий корхонада ишловчилар сони 400 кишидан ортди.

Йиллар ўтди. «Пахлавон» иқтисодий жиҳатдан мустаҳкамланди. Ғишт заводиди йилига 24 миллион

дона махсулот тайёрланиб, аҳолига арзон нархларда сотилди. Шу билан бирга 450 минг тонна асфальт, 600 минг тонна оҳак ва шишадан тайёрланаётган 60 хилдан ортиқ бежирим махсулотлар андижонликлар корига яради. Тадбиркор тежамкорликка, илгор технологиядан самарали фойдаланишга, сўмни-

сўмдан кам бўлмапти. Баъзи корхоналар бозор шариоитига мослаша олмай қийналиб турган бир пайтда «Пахлавон» ишчи-хизматчилари саломатлигини муҳофаза этиш, ҳақ-хуқуқини ҳимоялаш масалаларига катта маблағ ажратила бошлади.

Меҳнатқашлар манфаатининг устувор ҳимоячиси — касабга уюшма

ташкилоти фаолият юритаётгани ҳам айна мудао бўлди. Иш бевурачи ва жамоат ташкилоти ўртасида яхши алоқа ўрнатилган. Касабга уюшма етакчисига барча қулайликлар яратилиб, алоҳида хона ажратилган. Хар йили кўпчилик ўртасида муҳожама этилиб, қабул қилинаётган жамоа шартномасининг деярли барча банди бажарилмоқда. Ходимларга саломатлик масканларига имтиёзли

ҳаракат қилди. Натижада таннарх арзонлашди.

Ишлаб топилган маблағнинг асосий қисми тармоқларни ривожлантириш, замонавий дастгоҳлар сотиб олишга йўналтирилди. Ишчиларни рағбатлантириш ҳам диққат марказида бўлди. Бир ишловчининг ойлик даромади ҳамма рағбатларни қўшиб ҳисоблаганда 150 минг

йўлланмалар берилмоқда. Уларнинг фарзандлари туман ағроунонат мажмуи ходимлари қасаба уюшмаси билан тузилган шартномага кўра энг яхши масканларда дам олдирилипти. Меҳнатни муносиб равишда рағбатлантириш, кам таъминланган ва кўп болали оилаларни моддий қўллаб-қувватлаш, ишлаётган хотин-қизларга имтиёзлар яратиш оддий ҳол.

Корхона савобли ишлардан ҳам четда қолаётгани йўқ. Маҳаллаларда истиқомат қилаётган мададга муҳтож оилалар болажонларининг суннат тўйлари ажойиб тарзда ўтказилди. Уларга банкда ҳисоб рақами очилди. 40 нафар ёлғизларнинг турар-жойи таъмирлаб берилди. Оталикка олинган мактабларга замонавий спорт зали тўхфа этилди. Эндиликда бу ерда 10 нафар ўғил-қиз спортнинг қаратэ, дзюдо, бокс ва миллий кураш турлари билан шугулланаётти.

— Барчани лол қолдираётган асл тадбиркорларимиз бор экан, ҳеч қачон кам бўлмаймиз, — дейишди корхона ишчилари.

И.ҲАҚБЕРДИЕВ,
етақчи мутахассис

БУНИ ТАДБИРКОРЛИК ДЕЙДИЛАР

«Пахлавон» хусусий корхонаси ўндан ортиқ йўналишда фаолият юритяпти

АНДИЖОН ВА АНДИЖОНЛИКЛАР



254 ТА ЯНГИ ИШ ЎРНИ

Хонобод шаҳри Андижон вилоятидаги катта шаҳарлардан биридир. Бу ерда қарийб 35 минг аҳоли истиқомат қилади. Мустақиллик йилларида кенг қўламли бунёдкорлик ишлари, ободонлаштириш тадбирлари амалга оширилди. Йил сайин шаҳримиз чиройига-чирой қўшилмоқда. Эндиги асосий вазифалардан бири аҳолини иш билан тўла таъминлашга эришишдир. Шу мақсадда корхона ва ташкилотлар, ҳужаликлар ҳамда тегишли идоралар билан ҳамжиҳатликда иш олиб борилляпти.

Сихат-саломатлик йилнинг биринчи чорагида меҳнат бўлимида иш қидирувчи сифатида рўйхатга олинган 300 кишидан 254 нафари касб эгаси бўлди. Мақсадга эришишда меҳнат ярмаркалари алоҳида ўрин тутмоқда. «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати билан биргаликдаги саъй-ҳаракат туфайли 100 нафар йигит-қиз қовталанган ўринлар ҳисобидан муқим ишли бўлди.

Ш.ҲАСАНОВ,
Хонобод шаҳар меҳнат, аҳолини иш билан таъминлаш ва ижтимоий ҳимоя қилиш бўлими бошлиғи

Хар кун корхона цехларини айланиб, завк ила ишлайётган йигитларимизга назар ташлар эканман қалбдан қувонаман. Улар мустақиллик туфайли ноқир касб эгаси бўлган гуруҳли, эътиқодли ёшлардир. Фаолият кўнвейер асосида ташкил этилган жойда ҳамма ўз ишини аъло даражада, сифатли бажариши, дақиқалар кадрига етиши керак. Қўшма корхонамиз нафақат Андижон, балки Ўзбекистон фахридир.

Ўтган йил якунларига кўра «Ўздэуавто», «Ўзавтосаноат» акционерлик компанияси корхоналари орасида энг яхши ишлаб чиқариш кўрсаткичларига эришганлиги ишчи-хизматчиларга кўтаринкилик баҳш этди. Қувончлисиз шуки, автомобилларнинг ярмидан кўпи экспортга мўлжалланган. Имкониятлар кенгайиб бормоқда. Агар шу йилнинг январиди 7500 та автомашина ишлаб чиқарилган бўлса, феврал ойда бу кўрсаткич 8 минг 200 тани ташкил этди. Эътиборли томони яна шуки, январдан эътиборан корхона икки сменада ишлашга ўтди. Бунинг учун 600 нафар янги ишчи ўқитилди ва улар зарур кўникмага эга бўлди. Еш ишчилар деярли барча цех ва бўлинмалар таркибини тўлдирди.

Ийгув цехи алоҳида салохиятга эга. Бу ерда ишдаги кўникмаларни мунтазам тақомиллаштириш таъмоили амал қилади. Ешлар шу асосда тест топшириши. Малакали кадрлар тайёрлаш, илгор тажрибаларни оммалаштириш, мураббийлик ҳаракатини кенг айландириш борасида ўқув маркази салмоқли ўрин тутди. Мутахассисларимизнинг таъкидлашича «Матиз» автомашинаси ишлаб чиқарилаётгани ҳам ўзинга хос ютуқдир. Чўнки у хар томонлама қулай бўлиб, ходимларимизга ҳам ёққан. Экспортга қўллаб сотилган ҳам шундан. Янгича талаблардан келиб чиққан ҳолда энг яхши бўёқлар ишлаб чиқариляпти.

Мамлакатимиз раҳбари чет эл инвестициясидан самарали фойдаланиш, корхонанинг экспорт салоҳия-

Хасанбой Қосимов «Фидокорона меҳнати учун» нишонин билан тақдирланганда йигитларимизнинг боши осмонга етди.

Инсон омилига эътибор йил сайин кучайиб бормоқда. Ходимларни нафақага кузатишда бир ойлик иш ҳақидан

Ўсиш сурьатларини қаранг. Жорий йилнинг сентябр ойда конвейердан 500 мингчи автомобилни чиқариш ният қилинган. Ҳамма нарса одамлар кайфиятига, яратилган шариоитга боғлиқ. Бу масалаларга керакли миқдорда маблағ ажратилляпти. Ишловчилар бепул кийим-бош, иссиқ оват билан таъминланган. Зарарли шариоитда фаолият юритувчиларга қўшимча тўловлар, аёлларга алоҳида имтиёзлар берилган. Кўпчилик ходимларга олти кунлик қўшимча таътил жорий этилди. Инсон омилига эътибор яхшиланиб бораётганлигини яна шунда ҳам кўрса бўладики, меҳнат муҳофазаси, техника хавфсизлиги масалаларига ўтган йили 120,7 минг АҚШ доллари миқдориди маблағ сарфланди.

Жамоа аъзоларининг кўпчилиги ёшлар бўлгани учун спортга қизиқиш катта. Йил давомида футбол, волейбол, стол теннис ва шохмат-шашка бўйича мусобақалар ўтказиб келинади. Сўнгги йилларда спортни давр талаби даражасида ривожлантириш мақсадида 35 миллион сўм сарфланди. Кўпгина хорижий мамлакатлар билан алоқамиз мустаҳкамланиб бормоқда.

Ешларимиз Ўзбекистон довругини оламга ёяётган корхонада ишлашаётгани, ажойиб автомобиллар уларнинг қўлидан чиқибатгани билан ҳақли равишда фахрланадилар. Барчани яқдил бўлиб, шу осуда ҳаётимизни кўролмаётган радикал экстремистик кучлар Андижон шаҳрида содир этган жиний ҳаракатларни қаттиқ қоралаймиз. Ҳамқору ҳамжиҳатликни янада мустаҳкамлаб, оғоҳ хўшёрликни ошириб фидокорона меҳнат қилаверамиз.

М.ОЛИМОВ,
Асакадаги «Ўздэуавто» Ўзбекистон-Жанубий Корея қўшма корхонаси касабга уюшма кўмитаси ранси

Ташландиқ ҳолда ётган майдонни ўзлаштириб, хурмозорга айлантириш тақлифи барчага маъқул тушди. Кенгашли тўй тарқамас, деганларидек, ёрдамчи ҳужаликка қарашли иссиқхонада лимон, помидор етиштириш, ўқув биналарини таъмирлаш, ободонлаштириш ишлари ушқоқлик би-

ҚАЛБИ ҚУЁШ КИШИЛАР



дан йил буйи қўқатлар, сабзавот махсулотлари аримайди.

Ўн сотиқ фойдаланилмай ётган ерда хурмозор ташкил этилгани барчани қувонтирди. Хурмо кўчатлари оралиғига картошка экилди. Биология, кимё дарслари иссиқхоналарда ўтказилмоқда. Демак назарий билим амалиёт билан мустаҳкамляпти. Компьютер хонаси, физика, биология, кимё лабораториялари, аудио-видео, лингафон усқуналари билан жиҳозланган фан ка-

ҳаёт яна бир бора тасдиқладикки, қора кучлар ҳеч қачон ўз мақсадларига етолмайдилар. Ўзбекистон халқи ўз Президенти раҳнамолиғида танлаган йўлидан қомил ишонч билан бораверади.

Андижонда ҳаёт ўз изига тушмоқда. Одам-



бинетлари ишлаб турибди.

Ўқувчилар дасрдан сўнг башқаларини тасвирий санъат, рақсомчилик, чорвачилик, мусика тўғрақлариди ўтказиб касб эгаси бўлишяпти. Иқтидорлилар вилоят миқёсидаги олимпиадаларда фаол қатнашишмоқда. Бу борада 9-синф ўқувчиси Дилноза Ражапова намун. 2003-2004 ўқув йилида меҳр билим гўшасини 34 нафар ўқувчи тугаллаган бўлса, улардан 32 нафари институтларга ва касб-ҳунар коллежларига жойлашдилар.

Вилоятимиз ахли жорий йилнинг биринчи чорагида ҳоимйлар томонидан катта миқдорда молиявий ёрдам кўрсатилди. Вилоят касабга уюшмалари бирлашмалари Кенгашли кўмағида маскан болаларига оёқ кийимлар, тадбиркорлар ҳисобидан эса либослар, ўқув қуроллари соғва қилинди. Ҳозирги кунда «Меҳрибонлик ўйи» худудида амфитеатр биносини қуриш ишлари олиб боришмоқда.

К.САДИЕВА
кўп болали она

лар тонг билан яратувчилик ва бунёдкорлик ишларини адо этиш учун меҳнат кучоғига отланиб, аввалгидан-да кўпроқ ғайрат-шижоат кўрсатмоқдалар.

Тилларда ҳам, дилларда ҳам бир гап: тинч-хотиржам, осойишта кунлардан қўямасин!

«Ишонч» ҳуқуқий маслаҳатхонаси

МУДДАТЛИ МЕХНАТ ШАРТНОМАСИ

Саволингизга ҳуқуқшунос

Абдувоҳид Аҳмедов жавоб беради

САВОЛ: Ходимлар билан тузилган аввалги меҳнат шартномаларини иш берувчи талаби билан муддатли шартномага ўзгартириш мумкинми?

Р. АБРОРОВ,
Китоб тумани

ЖАВОБ: Муддатли меҳнат шартномасини тузиш масалалари Меҳнат кодексининг 75- ва 76-моддалари билан тартибга солинади. Кодекснинг 75-моддасига мувофиқ, номуайян муддатга тузилган меҳнат шартномаси ходимнинг розилигисиз муайян муддатга, шунингдек, муайян ишни бажариш вақтига мўлжаллаб қайта тузилиши мумкин эмас.

Меҳнат шартномасининг шартларини, шу жумладан, унинг муддатини ўзгартиришга тарафлардан бирининг талаби билан МКнинг 89- ва 90-моддаларида назарда тутилган ҳолларда йўл қўйлади:

1. Иш берувчи меҳнат шартларидаги бўлажак ўзгаришлар ҳақида ходимни камида икки ой олдин ёзма равишда огоҳлантириб тилхат олиши шарт. Кўрсатилган мудатни қисқартиришга фақат ходимнинг розилиги билан йўл қўйлади (89-модда);

2. Ходимнинг меҳнат шартларини ўзгартириши ҳақидаги талаби (аризаси) берилган кундан эътиборан уч кундан кечиктирмай иш берувчи томонидан кўриб чиқиши лозим (90-модда). Шунинг ҳам таъкидлаб ўтиш зарурки, муддатли меҳнат шартномаси тузилганлиги ходимнинг меҳнат ҳуқуқлари (таътиллاردан фойдаланиш, мукофотлар, рағбатлантириш ва шунга ўхшаш бошқа ҳуқуқлар) бирон-бир тарзда чекланмади.

Меҳнат кодексининг 76-моддасида иш берувчининг муддатли меҳнат шартномаси тузиш ҳуқуқи чеклаб қўйилган бўлиб, қонун талабига кўра, мудатли меҳнат шартномалари бажарилажак ишнинг хусусиятлари, уни бажариш шартлари ёки ходимнинг манфаатларини ҳисобга олган ҳолда номуайян муддатга мўлжалланган меҳнат шартномаларини тузиш мумкин бўлмаган, шунингдек, қонунда назарда тутилган ҳолларда мудатли меҳнат шартномаси тузишга йўл қўйилишига мисол тариқасида Меҳнат кодексининг 76-моддасига асосан, корхона раҳбари, унинг ўринбосарлари, бош бухгалтер, корхонада бош бухгалтер вазифасини бажарувчи ходим билан тузилиши мумкин. Алоҳида таъкидлаш жоизки, корхонанинг бошқа маъму-

рий-бошқарув ходимлари ва таркибий бўлиmlарнинг бошлиқлари билан ҳам Меҳнат кодексининг 76-моддаси асосида мудатли меҳнат шартномасини тузишга йўл қўйилмайди.

Еки бошқа бир мисол, Ўзбекистон Республикасининг «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги Қонунининг 6 ва 22-моддаларига асосан, меҳнат органларида рўйхатга олинган ва ишсиз деб эътироф этилган фуқаролар билан ҳақ тўланадиган жамоат ишларида қатнашиш учун кейинчалик икки ой мудатга узайтириш ҳуқуқи билан мудатли меҳнат шартномалари тузилади. Ҳақ тўланадиган жамоат ишларида жалб қилинган фуқароларга тўланадиган иш ҳақининг камида эллик фоизи корхоналар, муассасалар ва

ташкilotлар маблаглари ҳисобидан, қолган қисми эса маҳаллий бюджетлар ва аҳолини иш билан таъминлашга кўмаклашувчи давлат жағғармаси маблаглари ҳисобидан қопланади.

Шунингдек, юқоридаги саволингизда кўрсатиб ўтилган ҳолат бўйича қонунчиликда белгиланган ходимларга мудатли меҳнат шартномаси тузиш Вазирлик Маҳкамасининг 2003 йил 19 апрелдаги «Хусусийлаштирилган корхоналарни корпоратив бошқариш тасдиқлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарориди белгиланганидек, давлатнинг акциядорлик жамияти ижро этувчи органининг раҳбари билан бир йилдан кўп бўлмаган мудатга меҳнат шартномаси тузиш шарт эканлигини кўрсатиш мумкин.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, мазкур ҳолатлар қатъий қоида ҳисобланиб, уларни кенг маънода талкин этишга ва қўллашга йўл қўйилмайди. Чунки, Меҳнат кодексининг 76-моддаси талабларини ҳисобга олмасдан мудатли меҳнат шартномасини тузиш ходимнинг аҳолини қонун ҳужжатларидаги нисбатан ёмонлаштиришга, Сабаби, мудат тузилган вақтда тузилган меҳнат шартномаси бекор қилинади.

САВОЛ: Қарамоғимизда бир нафар ногирон фарзандимиз бор. Қонунийлигимизга биноан ишлаб турган ота-онанинг бирига ҳар ойда бир кунлик иш ҳақи тўланадиган қўшимча таътил берилар экан. Ана шу имтиёздан бир неча йилдан буён фойдаланмаган шахслар уни жамлаб, йиллик меҳнат таътилига чиқайтганда қўшиб олиши мумкинми?

Д. МАСИДИКОВ,
Олмалик шаҳри

ЖАВОБ: Ишдан ҳоли қўшимча кунлар шундай иш кунларики, бундай пайтларда муайян мақсадларни амалга ошириш учун ходим ўз меҳнат вазифаларини бажаришдан иш ҳақи сақланган ҳолда овоз этилади.

Шу билан бирга ходимларга бериладиган ишдан ҳоли қўшимча кунларнинг ҳаммасини ҳам дам олиш вақтига киритиб бўлмайди, чунки бундай кунлар ходимларга қонун ҳужжатларида олдиндан белгиланган бўлган мақсадлар

ни амалга ошириш учун берилди.

МКда иш берувчи томонидан ишдан ҳоли, қўшимча кун берилиши шарт бўлган бир неча тоифадаги ходимлар белгиланган бўлиши. Уларнинг қаторига ногирон болани тарбиялаётган ота-оналар ҳам қиради.

Улардан бирига (ҳомийга, васийга) ҳар ойда бир кундан иборат бўлган бериладиган қўшимча дам олиш берилди.

Меҳнат кодексининг 230-моддасига асосан ногирон болани тарбиялаётган ота-онанинг бирига (васийга, ҳомийга) бола ўн олти ёшга тўлганга қадар давлат ижтимоий сурғуртаси маблаглари ҳисобидан бир кунлик иш ҳақи миқдориди ҳақ тўланган ҳолда ҳар ойда бир кунлик қўшимча таътил берилди.

Қўшимча дам олиш кунини бериш тартибини ички меҳнат тартиби қоидалари-

Қўшимча таътил жамлаб берилиши мумкинми?

Саволингизга ҳуқуқшунос

Карим Мухторов жавоб беради

да белгилаб қўйиш мақсади мувофиқдир. Чунки қонун ҳужжатларига асосан ҳар бир ходим бундай қоидалар билан таништирилган бўлиши зарур. Акс ҳолда бундай қўшимча кафолатнинг борлигини ходим билмаслиги оқибатида низолар келиб чиқиши мумкин.

Ҳар ойда ҳақ тўланадиган бундай ҳуқуқга эга бўлиш учун ходим маъмуриятга қуйидаги ҳужжатларни (нусхасини) тақдим қилиши зарур:

- ходимнинг ҳақиқатда ҳам ногирон боласи бор эканлигини тасдиқловчи ижтимоий ташкилот органи томонидан берилган ҳужжат;
- ногирон боланинг туғилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома;
- мазкур имтиёздан ота-онанинг қайси бири фойдаланмаётганлиги тўғрисидаги иш жойидан маълумотнома;
- қўшимча дам олиш кунини

олиш ҳуқуқидан васий ёки ҳомий фойдаланаётган бўлса, у васий (ҳомий) эканлигини тасдиқловчи ҳужжат. Булардан ташқари, қўшимча дам олиш кунидан фойдаланиш вақти иш берувчи билан ногирон болани тарбиялаётган ходим ўртасидаги келишувга биноан белгиланади.

16 ёшга тўлмаган ногирон болани тарбиялаётган ота-онанинг бирига (васийга, ҳомийга) қўшимча дам олиш кунларини бир неча ой учун жамлашга, шунингдек бу кунларни меҳнат таътилига қўшимча ёки пуллик компенсация олиши мумкинми? - деган ҳақли савол туғилади.

Мазкур дам олиш кунини қонун ҳужжатлари билан кафолатланган ҳар ойдаги дам олиш кунларига қўшимча эканлиги, уларни бериш тартиби ҳам ўша, бир хил

қоида асосида тартибга солиб турилишига асосланиши, ўша даврийлик асосида ва қонунда белгиланганидан кам бўлмаган миқдорда берилиши керак. Меҳнат қонунчилигида бундай кунларни назарда тутилганидан узунроқ мудат учун жамлашга ва пуллик компенсация алмаштирилишига йўл қўйилмайди.

Агар бир-икки йил давомида ходим бундай қўшимча дам олиш кунидан фойдаланмаган бўлса, демек у ўз вақтида керакли ҳужжатларни маъмуриятга тақдим қилмаганлиги, бундай дам олиш кунини беришни талаб қилмаганлиги ва бу масалада ваколатли ташкилотларга мурожаат қилмаганлиги сабабли мазкур имтиёз қўлланилмаган.

БИЗДАН СЎРАГАН ЭДИНГИЗ



Тўла тушунча беринг

САВОЛ: қишлоқ хўжалигида ишлаган механизаторлардан қайсылари имтиёзли пенсияга чиқишлари мумкин?

М.ХОШИМОВА,
Пайриқ тумани

ЖАВОБ: Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 11-майдаги 249-сонли қарори билан тасдиқланган 3-руйхатнинг XXXV бўлими II қисмида қишлоқ хўжалигида ишловчи айрим тоифа ходимларининг имтиёзли пенсияга чиқиши мумкин бўлган қасблар санаб ўтилган. Унга кўра тракторчи-машинистлар, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳамда ташиш ишлари билан тўлиқ иш кунини давомиди банд бўлсалар умумий белгиланган ёшдан 5-йил олдин имтиёзли пенсияга чиқишлари мумкин бўлади.

Ушбу бўлимининг III қисмига биноан бўльдозерчи-машинист аёллар, йўл қурилиш ишларида юк ортиш ва ташиш билан боғлиқ машиналарда ишловчи машинист аёллар, экскаваторчи-машинист аёллар, тракторчи аёллар ҳамда тракторчи-машинист аёллар умумий белгиланган ёшдан 5-йил олдин имтиёзли пенсия олиш ҳуқуқига эга бўладилар.

САВОЛ: мен бир неча йиллар ремонт қирилш участкасида уста (мастер) вазифасида ишлаб келганман. Имтиёзли равишда 55 ёшдан пенсияга чиқишим мумкинми?

Г.РУСТАМОВА,
Гурлан тумани

ЖАВОБ: Вазирлар Маҳкамаси томонидан 1994 йил 12 майда тасдиқланган ёшга дар имтиёзли шартларда пенсия олиш ҳуқуқини берадиган ишлаб чиқаришлар, му-

Саволларингизга

Гулнора Муродова жавоб беради

ассасалар, ишлар, қасблар, лавозимлар ва кўрсаткичларнинг 3-руйхати XXVIII-қисмида қурилиш ва монтаж ишларида ишловчи усталар имтиёзли пенсия олиш ҳуқуқига эга эканлиги белгиланган.

Бироқ, қурилиш участкаларида уста (мастер) бўлиб ишлаган шахслар ушбу руйхатда назарда тутилмаган.

САВОЛ: меҳнат фаолиятим давомида узок йиллар мактабда тренер бўлиб ишладим. Имтиёзли пенсияга чиқишим мумкинми?

М.МИРАЪЗИМОВА,
Гулистон шаҳри

ЖАВОБ: Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонунининг 12-моддаси «к» бандига асосан ўқитувчилар ва бошқа маориф ходимлари махсус иш стажига камида 25 йил бўлган тақдирда имтиёзли пенсия олиш ҳуқуқига эга бўладилар. Бу ҳақда Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 12 майдаги имтиёзли шартларда пенсияга чиқиш ҳуқуқини берадиган ишлаб чиқаришлар, муассасалар, ишлар, қасблар, лавозимлар ва кўрсаткичлар руйхатини тасдиқлаш тўғрисидаги 250-сон қарорининг 3-руйхати VII бўлимида имтиёзли пенсия олиш ҳуқуқига эга бўлган ўқитувчилар ва бошқа маориф ходимларининг лавозимлар руйхати кўрсатилган бўлиб, бу руйхатда тренерлик лавозими назарда тутилмаган.

САВОЛ: пенсия қандай ҳолатларда қайта ҳисоблаб чиқарилади?

З.РАҲИМОВА,
Тошкент шаҳри

«СИЗ ҚОНУННИ БИЛАСИЗМИ?»

Бир неча йиллардан буён академик лицей ва қасб-хўнара коллежлари ҳамда ўрта умумтаълим мактаблари ўқувчилари ўртасида «Сиз қонунни биласизми?» анъанавий кўрик-танловни ўтказиб келинмоқда.

«Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, тегишли вазирлик ва идоралар ҳамкорлигида ўтказиб келинаётган танловнинг мамлакат босяқини Гулистон шаҳрида яқунланди.

Танловда Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлар жамоалари иштирок этди. Улар таништириув, ҳуқуқий саводхонлик, тергов суд жараёни, шартлар беллашуви шартлари бўйича ўз билим ва маҳоратларини намойиш этди.

Баҳс ва мунозараларга бой бўлган беллашуви Фарғона вилояти жамоасининг галабаси билан яқунланди. Иккинчи ўрин кашқадарёлик, учинчи ўрин эса сирдарёлик билмидонларга насиб этди. (ЎЗА)

ЛИЗИНГ - ИМКОНИАТЛАР КЕНГАЙМОҚДА

Фермерлар қишлоқ хўжалик техникаси билан бирга зараркундаларга қарши курашда ишлатиладиган дори пурқаш воситаларини ҳам лизинг асосида сотиб олмақда.

«Ўзқишлоқхўжаликмашинизинг» акциядорлик компанияси вилоят филиалидан олинган маълумотларга қараганда, ҳозиргача юзта «ОРПД 12 М» дори пурқаш ускунаси келтирилиб, фермер хўжалиқларига имтиёзли шартлар асосида берилмоқда.

Компаниямиз асосан машина-трактор парклари ва қишлоқ хўжалик корхоналарига лизинг асосида замонавий техника воситалари етказиб беришни ўз олдига мақсад қилиб қўйган. Ҳойда филиал директори Собир Эшматов. Кейинги беш йил мобайнида филиалимиз орқали ширкат, фермер хўжалиқлари, МТП ҳамда муқобил МТПларга 1 минг 258 та қишлоқ хўжалик техникаси, шу жумладан, 871 та трактор етказиб берилди. Лизинг маржалари 2004 йилда 12 фоиздан 10 фоизга, жорий йилда эса 8 фоизга туширилди. Талаб ва таклифи инobatта олиб, зараркундаларга қарши дори пурқашда фойдаланиладиган қўл аппаратлари ва бошқа ускуналарни ҳам шартнома асосида етказиб беришга ҳаракат қилляпмиз.

Лизингга берилмаётган қишлоқ хўжалик техникаси ичида, айниқса, «ТТЗ-80,11», «ТТЗ-80,10» русумли тракторларга талаб ортиб бормоқда.



Мустақиллик йиллари мамлакатимизда телекоммуникация жадал суръатларда ривожланди. Республикада қанчадан-қанча янги АТСлар ишга туширилди. Эскилири замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланди. Бу борда Жиззах вилоятида ҳам кўпгаб ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, бу ерда «ЎЗТ» Ўзбекистон-Индонезия қўшма корхонасининг филиали фаолият кўрсатмоқда. Хозирги кунда мазкур бўлим 14500 миқозга намунали хизмат кўрсатиб келаётир. Бунда Хайринос Худойбердиева, Наргиза Аҳмедова, Чарос Пулатова каби алоқачиларнинг хизматлари катта бўлаётир.

Суратларда: корхона иш фаолиятдан лавҳалар.

М.КАРИМОВ
олган суратлар

ҲАММА ҲАВАС ҚИЛАДИ

Сирдарё шаҳрида ичимлик суви насосларни таъмирлаш ва ўрнатилга икитисолашган «Шар ЛЖ» хусусий корхонаси иш бошлади. Унга анча йиллардан буён тадбиркорлик билан шуғулланиб келаятган Гулбаҳор Шамолова раҳбарлик қилмоқда.

Қисқа фурсат ичида корхона ўндан зиёд ҳамкорлар билан манфаатли шартнома имзолади. Сирдарё рефрижератор вагонларини таъмирлаш депоси, шаҳар

ичимлик суви етказиб бериш корхонаси, қатор фермер хўжалиқлари шулар жумласидандир. «Шар ЛЖ» жорий йилнинг биринчи чорагида 3 миллион 600 сўмлик иш бажарди. Шаҳар ичимлик суви етказиб бериш корхонасига қарашли олти та тик қудуқнинг насослари таъмирланди.

ЯНГИҚОЗҒОНГА СУВ КЕЛДИ

Конимех туманидаги «Сарибел» наслчилик ширкат хўжалиги ўтган йилни 376 миллион сўмлик соф фойда билан яқунлади. Хўжалик мутасаддилари фой-

данинг бир қисмини қишлоқ инфратузилмасини, аҳоли турмуш шaroитини яхшилашга сарфлади. Хўжалик маркази - Янгиқозғон қишлоғига тоза ичимлик суви келтирилди. Юздан зиёд хонадон аҳли суви ташийдиган махсус машиналарни кутмайдиган бўлди. Мухими, бу борадаги барча харажатларни хўжалик ўз зиммасига олди.

Хўжалик иқтисоди мустаҳкамланиб боргани сари аҳоли турмуш шaroити ҳам яхшиланмоқда. Айни пайтда бу ерда чўпонлар учун уйлар қуриш, маийши ва маданий иншоотлар барпо этиш ишлари ҳам давом этмоқда.

ОАО «TOSHKENT SHAHAR YO'L QURILISH VA TA'MIRLASH TRESTI» СООБЩАЕТ:

Информация о существенном факте. (порядковый номер сообщения - 07)
Наступление даты закрытия реестра.

Решения о дате, закрытия реестра акционеров принято на заседании.

Наблюдательного Совета общества, проводимого 18.05.2005 года.

Дата, на которую составляется список владельцев ценных бумаг - 20.05.2005 года.

Информация о созыве годового собрания акционеров.

22 июня 2005 года в 15.00 час состоится годовое общее собрание акционеров ОАО «Toshkent shahar yo'l qurilish va ta'mirlash tresti» по адресу: г.Ташкент, ул.Хамал, 29.

Список акционеров, имеющих право на участие в годовом общем собрании акционеров, составлен по данным реестра акционе-

ров закрытым по состоянию на 20.05.2005 год.

ПОВЕСТКА ДНЯ:

1. Утверждение регламента проведения годового общего собрания акционеров.

2. Отчет И.О. Генерального директора ОАО «Toshkent shahar yo'l qurilish va ta'mirlash tresti» о результатах финансово-хозяйственной деятельности общества за 2004 год и утверждение бизнес-плана развития общества на 2005 год.

3. Утверждение Генерального директора ОАО «Toshkent shahar yo'l qurilish va ta'mirlash tresti» на 2005 год.

4. Утверждение заключения аудиторской проверки за 2004 год и кандидатуры аудиторской фирмы на 2005 год.

5. Утверждение заключения Ревизионной комиссии за 2004 год.

6. Утверждение годового отчета, бухгалтерского баланса, счетов прибылей и убытков за 2004 год.

7. Распределение прибыли за 2004 год.

8. Отчет Наблюдательного совета ОАО «Toshkent shahar yo'l qurilish va ta'mirlash tresti» об итогах проведенных мероприятий за 2004 год.

9. Утверждение состава Наблюдательного совета ОАО «Toshkent shahar yo'l qurilish va ta'mirlash tresti».

10. Утверждение состава Ревизионной комиссии ОАО «Toshkent shahar yo'l qurilish va ta'mirlash tresti».

11. Утверждение изменений, внесенных в Устав общества и внутренние нормативные документы.

12. Принятие решения о получении кредита на 2005 год.

Регистрация участников собрания проводится с 14.00 час по выше указанному адресу. При себе иметь паспорт или удостоверение личности, а представителям акционеров нотариально заверенные доверенности.

Ознакомится с материалами подготовленными к проведению собрания можно с 10.06.2005 по месту нахождения общества.

Справки по телефонам

191-73-58.

ЮНЕСКО томонидан Сурхондарё вилоятининг Бойсун тумани худуди «Инсониятнинг халқ оғзаки ва маънавий мероси дурдонаси» деб эълон қилинган. Уш тарихи ва маданияти билан юртимиз маданий ҳаётида алоҳида ажралиб турувчи бу гунада тўрт йилдан буён ҳар йили кўкларда «Бойсун баҳори» очик халқаро фольклор фестивали бўлиб ўтиши аънамага айланган.

Куни кеча сўлим Бойсун фестивал иштирокчилари, дунё фольклоршуносларию бахши-оқинларини ўз бағрига қорлади. Туманимиз ахли «Бойсун баҳори» IV очик халқаро фольклор фестивалини ўтказишга чорлади. Фестивалда иштирокчиларни ўз бағрига қорлади. Туманимиз ахли «Бойсун баҳори» IV очик халқаро фольклор фестивалини ўтказишга чорлади. Фестивалда иштирокчиларни ўз бағрига қорлади.

ОЧИК ХАЛҚАРО ФОЛЬКЛОР ФЕСТИВАЛИ

«Алломиш» уйингоҳи ва амфитеатр қайта таъмирланиб, фотосуратлар, турли кўрсатмалар, шунингдек, фестивални ифодаловчи шорлар билан безатилган. — Фестивал халқ оғзаки ижодига катта ҳисса қўшиш билан бирга янги

янги халқ дасталарини кашф этмоқда. Уларнинг ижодини жаҳонга танитмоқда, — дейди туман ҳокими

Бойсун баҳори

— Ушбу гўзал тадбирнинг Бойсунда ўтказилиши бежиз эмас. Қадимки Тешиктош ғори билан машҳур бу за-

минг олти юз йиллар илгари чизилган бўлишига қарамай рангларнинг жилов ханузгача ўзгармаган, — дейди археолог олим, тарих фанлари номзоди Шопўлат Шайдуллаев.

Фестивалда иштирок этаётган санъаткорлар, бахши-шоир ва оқинлар қадим юртининг пурвиқор тоғ-адирлари, гўзал табиатидан илҳомланиб, жозибали ижроларини намойиш этишмоқда. Сехрли куй-қўшиқлар баҳор гўзаллигига қўшилиб қалбларни жунбушга келтирмоқда.

Р.ДАВЛАТОВ, «Ишонч» муҳбири

Эркин Бойниёзов. Бу галги фестивал ўзгача тусда бошланди. Санъатсевар Бойсун ахли Махмуд Номозов, Сайёра Қозиева, Рустам Махмудов сингари хушовоз хонандаларнинг чиқишларини кўтаринки руҳда кутиб олди.

миндан Ўрта Осиё худудига яшаган энг ибтидоий неандертал одам суяклари топилган. Худудда жойлашган Токва кўрғонини ўрганётганимизда ёдгорлик деворлариданги ноёб суратлар дунё олимларини лол қилдириб келмоқда. Улар бир

Халқ ҳунармандчилиги

Хизмат сафари билан бир ховлига боришимизга тўғри келди. Олдиғина ўзбек хонадонини. Тоқчаларда идиш-товолқлар. Ичкарига қирғинчи билан хонандан қандайдир ёқимли хид димогингизга урилади. Янгигина пишиган ўрикникими, ер остида қайнаб чиқаётган булок мусаффолигидан сезганимиздан бу хидни ёки сизни соғиниб турганидан анқирмикин? Шундай ўй билан анча вақт бош қотириб ўтирдим. Шу пайт мезбон қандайдир юмуш билан ташқарига чиққанидан шерикларимиздан бири:

— Бу ердан қандайдир ёқимли хид келаяпти-я, — деб қолди.

Хуллас, анча вақт сўхбатлашиб ўтирдик. Мехмонлардан бири, паловхонтура чойхонада тайёрланганидан ҳам ширин бўлганлигини, иккинчиси маставани, учинчиси ховлида битган меваларни мақтади. Мен эса юрак ютиб мезбонга қараб:

— Айбга буюрмайсиз-у, дўстим, хонадонни, идишданми қандайдир, жуда ёқимли хид келаяпти-да, айтолмайсизми, бу ниманики? — деб сўрадим.

Мезбон яраб қолди: — Димогингизга урилаган бу хид биринчи галда чой ичилаётган пиёладан, қолаверса, мастава қўйилган қосадан, шунингдек лагандан анқирмикин.

— Йўғ-е! — Ҳаммамиз баробарига шундай деб юборибмиз. — Идишларни қаердан келтирганисиз? Махсус хид қўшиб тайёрлашганими? Хойнаҳой хоржидан сотиб олган бўлсангиз керак. Ахир, сиз тез-тез савдо баҳонасида сафарга чиқиб турасиз-ку.

— У томонлардан оғир, қолаверса, синадиган нарсани кўтариб олиб келиб бўлармиди, — деди мезбон олдинги кайфиятда олган бўлсангиз керак. Ахир, сиз тез-тез савдо баҳонасида сафарга чиқиб турасиз-ку.

— Идишларни қаердан келтирганисиз? Махсус хид қўшиб тайёрлашганими? Хойнаҳой хоржидан сотиб олган бўлсангиз керак.

Ахир, сиз тез-тез савдо баҳонасида сафарга чиқиб турасиз-ку. — У томонлардан оғир, қолаверса, синадиган нарсани кўтариб олиб келиб бўлармиди, — деди мезбон олдинги кайфиятда олган бўлсангиз керак. Ахир, сиз тез-тез савдо баҳонасида сафарга чиқиб турасиз-ку.

Э.ОЛИНОВ, «Ишонч» муҳбири

бошланишида тилга олганимиздек идишлардан анқирмикин хушбўй хид борлигини қандайдир хушбўй ва хуш кайфият, тириклик, мусаффолик бағишлади...

Айтгандай, устадан ана шу хушбўй хид хусусида, уни идишга сингдирилиши сир-асрори ҳақида сўраштирадик.

— Бу усулни ясаётган ҳамма идиш-товолқаримизда бирдек қўлаймиз, — дейди уста қандайдир сирли жимлайиб. — Махсус буюртмалар билан

НАФИС ЖИЛОЛАР СИРИ

кунини ўнлаб кишилар турли юмушлар билан келишар, кимдир тўй ёки бирон-бир тадбир баҳонасида идиш-товолқлар буюрар, яна кимдир тирикчилик илнжидан ундан мол харид қилиб, бошқа шахар ёки туманга элтиб сотиш билан шуғулланарди.

...Махмудхон мактабни битиргач бирон ўқув юртига кириш учун югурмади ёки иш излаб ўзини хар томонга урмади. Кулолчилик улар учун ота касб, бошқачасига айтганда, ақлини шу соҳа ичига таниган. Унинг бобоси ҳам, отаси ҳам Наманганда таъриқли кулоллардан саналган.

— Падари бузрукворим мен учун ҳам ота, ҳам устоз бўлган, — дейди ўзи бу ҳақда. — Отам тупроқ тузилиши ва хусусиятини унамуна геологдан кам бўлмади. Тупроқни қафтида эзиб қўргандаёқ нимага арзишини, тузилишини айтиб берарди.

Шу тариқа мактабни таъмомлади-ю 1969 йилда биринчи марта ўзи мустикал равишда маҳсулот тайёрлади.

Орадан йиллар ўтди, одатда чинакамига меҳнаткаш, ўз соҳасига меҳр қўйган одам танлаган хунарини такомиллаштириб боради. Бугун у ясаган чойлак ва пиёлалар, қоса ва лаганлар, қўзага ҳатто ҳайкалчаларни чинидан фарқлаш қийин. Ўйлашми, жанранги, ранглири гуллари билан ишланган ва гул

келганларга, бизни таниган, билганларга шундай буюртмалар ясаб берамиз. Бу нарса анчагина кўшимча меҳнат сарфлашни талаб этади.

Яна бир гап: Махмудхон ака ясаган идишлар ва турли рўзгор буюртмалари бири иккинчисидан чиройли. Аммо меҳнатчи осон эмаслигининг ғувоҳи бўлдик. Аввало махсус лойни топиш, шахарга келтириш сингари мураккаб ва сермахшакат жараёнлар талаб этиларкан. Биргина мисол: ясалган нарса бир сутка давомида салкам минг дараҳмида иссиқликда қуйдирилган. Шунда у сап-сарик ранг олади, «пишади».

М.Низомов-ку бобоси ва отасининг ишларини давом эттирмоқда. Унинг хунарини-чи?

— Бу томондан кўнглим тўқ, — жимлайди уста. — Ўғлим Собитхон аллақачон ахшигина уста бўлиб қолган.

Наманган гуллар, атласчилар, дўпиччи-ю этикдўзлар, тагин қанчадан-қанча хунармандлар маскани. Шу билан бирга бу ерда Махмудхон Низомов сингари кулоллар ҳам яшайди, меҳнат қилади ва эл қорига яради. Ана шундай фидойи кулоллар бор экан миллий хунармандчилигимиз аънавалари авлоддан-авлодга ўтиб мангу яшайверади.

О.ЖУМАНАЗАРОВ, «Ишонч» муҳбири



Яқинда Гулистон шахар истироҳат боғидаги клубда шахмат бўйича хотира турнири ўтказилди. Унда Сидрафеннинг турли бурчакларидан келган ажойиб ўйин ишқибозлари иштирок этдилар. Гоятда қизиқарли ўтган мусобақада вилоят телерадиокомпанияси томонидан таъсис этилган соврин — рангли телевизор Бахт шахрининг «Бахтнома» газетаси ходими Мурзоқил Очиловга насиб этди. Фахрли ўринларни эгаллаганлар ҳам қимматбаҳо эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

М.КАРИМОВ олган суратлар

ФУТБОЛ ИШҚИБОЗЛАРИГА

Халқаро футбол уюшмалари федерацияси — ФИФА дунёдаги терма жамоаларнинг янги рейтинг жадраларини эълон қилди.

Унга кўра, беш қара жаҳон чемпиони — Бразилия терма жамоаси 831 очко билан ҳамон пешқадамлик қилмоқда. Кейинги ўринларни 784 очко жамгаран Чехия ва 778 очкога эга Аргентина терма жамоалари эгаллаб турибди.

2006 йили Германияда бўладиган жаҳон чемпионатининг якуний саралаш босқичида иштирок этаётган мамлакатимиз миллий терма жамоаси янги рейтингда ўз ўрнини сақлаб қолди. Равшан Хайдаров бош мураббийлик қилаётган бош жамоамиз 586 очко билан 54-поғонада қайд этилган.

Ўзбекистон МДХ мамлакатлари орасида 30-қатордаги Россия ва 39-поғонани банд этган Украина терма жамоаларидан кейин учинчи ўринда.

Жаҳон чемпионатининг саралаш гуруҳидаги рақиблиримиз — Жанубий Корея футболчилари йигирма биринчи, Саудия Арабистони терма жамоаси эса ўттиз биринчи ўринда. ФИФА мутахассислари учинчи рақибимиз — Кувейт терма жамоасини 55-ўринга лойиқ топган.

(ЎЗА)

ФАРҲОДНИНГ КУЧЛИ ЗАРБАСИ

Ўзбекистонлик энгилмас профессионал боксчиларидан Фарҳод Бакиров Япониянинг Токио шаҳридаги Korakuen Hall спорт мактабига таълимчилик Рихдеч Вор Сурапол билан куч синашди. Ҳамюртимиз ўн раундга мўлжалланган жангги мубоҳабдан олдин якунланди.

Фарҳод Бакировнинг аниқ ва кучли зарбаларига дош беролмаган Рихдеч Вор Сурапол туртинчи раундда икки мартаба ерга қулади. Учрашувни бошқарган ҳакам таълимчилик боксчи жангчи давом эттирмаслигини маълум қилиб, ҳамюртимизнинг қўлини банд қўтарди.

Айни пайтда машғулотларини Япониянинг Иваки шаҳрида ўтказиб турган Фарҳод Бакиров профессионал боксчилик фаолиятини 1995 йилнинг 19 мартинида бошлаган. Шундан буён ҳамюртимиз 23 мартаба рингга чиқиб, ийгирма бир учрашувда галаба қозонган, шулардан ўн тўрттасида рақиблирини муддатидан олдин мағлубиятга учратган ва иккита баҳсда дураник натижа қайд этган. Профессионаллар орасида кам сонли энгилмас боксчилардан ҳисобланган ҳамюртимиз WBA йўналиши бўйича рейтингда тўққизинчи ўринни эгаллаб турибди.

БЎЛАЖАК КЕЛИН-КУЁВЛАР ТИББИЙ КЎРИҚДАН ЎТҚАЗИЛДИ

Жиззах шахар марказий шифохонасида фаолият юритаётган тиббий комиссия йил бошидан буён икки юздан зиёд бўлажак келин ва кўвбни кўриқдан ўтказди.

Соғлом оила қуриш учун мустаҳкам пойдевор яратишда никоҳдан олдин тиббий кўриқдан ўтишининг аҳамияти катта, — дейди шифохона бош врачлари М.Ёқубов. — Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 5 июлдаги «Оилада тиббий маданиятни ошириш, аёлларнинг соғлигини мустаҳкамлаш, соғлом авлод туғилиши ва уни тарбиялашнинг устувор йўналишларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» қарорига мувофиқ тузилган мазкур комиссия таркибига невропатолог, офтальмолог, лор, инфекционист, акушер-гинеколог, рентгенолог врачлар киритилган. Ёшларнинг никоҳдан олдин тиббий кўриқдан ўтиши одат тусига кириб бормоқда. Оила қуришга жазм этганларнинг асарияти соғлом ёшлар эканлиги этиборга лойиқдир. Шу даврда кўриқдан ўтган ёшларнинг фақат икки нафаринида касаллик аниқланиб, даволаниш тасваси этилди.

(ЎЗА)



XIV аср ўзбек адабиётининг йирик намоёндаларидан бири Сайфи Саройи 1321 йили Хоразмнинг Қамиши деган жойида хунарманд оиласида дунёга келади. Бошлангич таълимни ўз қишлоғида олган бўлажак шоир тахсилни давом эттириш учун Олтин Ўрдадан маркази Сарой шахрига боради. Бу ерда у илм ўрганиш билан бирга истеъдодли шоир сифатида танилади. Бу ҳақда унинг ўзи шундай ёзади:

Қамиши юрт менинг тувғон элимди, Билинг, гурбатга келтурган билимди. Келиб, бўлдум Саройда шёр фидойи, Саройнинг шоири, элнинг гадои.

Амир Темура ва Тўхтамыш ўртасидаги ўзаро урушлар туфайли Олтин Ўрдада вужудга келган нотинчлик сабабидан у аввал Эрон, кейин Туркияга боради, сўнг Мисрга ўтиб, турган бўлиб қолади. — 1396 йили шу ерда вафот этади.

«Тазкираи Қайюмию»да у ҳақда шундай қисқа маълумот берилди: «Бу киши Олтин Ўрдада шoirлардан бўлиб, Олтин Ўрданинг пойтахти бўлиши Сарой шахрида нашуво намо этилди. Мухаммад Ўзбекхоннинг ўғли Жонибек замонида бўлишидур».

Ўз даврининг фозил олими ва етук шоири бўлган Сайфи Саройи форс-тожик ва араб тилларини мукаммал билган. Мавлоно Қозимухсин, Мавлоно Исҳоқ, Мавлоно Имом Мавлавий, Аҳмадқўза ас-Саройи каби шоирлар билан яқин бўлиб, шёрини мушоиралар қилган.

Сайфи Саройидан бизга 10 дан ортиқ ғазал, 2 қасида, 2 қитъа, икки байт шёр, «Сухайл ва Гулдурсун» достони (82 байт) ҳамда «Гулистон бит-туркий» номи билан таржима қилинган Сайфий Шерозийнинг «Гулистон» асарини таржимаси етиб келган. Бу мерос Ўзбекистонда 3 марта - 1968, 1973 ва 1986 йилларда нашр этилган. Насрулло Даврон Сайфи Саройи ижоди бўйича номзодлик диссертациясини ҳимоя қилган.

Сайфи Саройининг ўз замони шоирларини танқид қилиб, уларга баҳо бериб ёзган куйидаги шёрини машҳур:

Жаҳон шоирлари, эй гулшани бог, Ким булбулдур сўзда, ким эшор, Ким тўти бикин чайнар шакарни, Ким лафзи билан ўртар дурарни, Кимнинг сўзлари мавзуну ширин, Кимнинг лойиқи ташрифу тахсин, Ким ўзининг ашъорини меним дер,

(ЎЗА)

Кими ҳалво киби шалғам чўбин ер. Кими мази кўб, лафзин тузотур, Кими вазини бузуб, санъат кузотур. Аларнинг ўш бири Сайфи Саройи, Жаҳон орифларининг хоки пойи. Ани сен умла шоир мактари бил, Қамар юзга хамиша муштари бил.

Бу шёрда турли йўналишдаги шоирларга баҳо берилиши баробарида, шёрининг асл мазмун-моҳиятига ҳам ишора қилинади. Унда шёрининг бўстонига булбуллар билан бирга зоглар ҳам борлиги, бировнинг лафзи ширин, би-

САЙФИ САРОЙИ

ровнинг нафаси ҳассос, бировнинг услуби гўзал, бировнинг иши нукул мадҳу сано ўқиш эканлиги, биров адабий ўғрилиқ билан шуғулланишию ўзганинг гул билан хаснинг фарқига бормаслиги - чуқур мазмун, турли маъно товланишлари гага, латиф ва гўзал сўзлар ўрнига, пуч, энгил, қуруқ сўзларни ишлатиши, қофиябозлик, сўзбозликка ружў қўйиши, бири маъно қилиб, ташки ялтироқликка интилса, бошқаси вазини санъатларга қурбон қилиши, қисқаси, замон шоирларига берилган тавсиф мавжуд. Бундай ҳолат шёрининг ҳамма даврларда ҳам мавжуд бўлган, бундай шоирлар ва шоирномалар ҳамма замонларда ҳам фаолият кўрсатган. Бинобарин, адабиёт яшар экан, шоирлар бор экан, Сайфи Саройининг ушбу шёрини ҳам ўз аҳамиятини йўқотмайд.

Сайфи Саройи оддий ва содда халқона тилда, энгил ва раво услубда ижод қилган. Шоир шёрлари нозик кузатишлар, оҳорли ҳаётий ташбеҳларга бой. Талмех, тазод, таносиб, ирсол ўл-масал, тажнис, ташхис, муболага, лутф каби шёрини санъатлардан маҳорат билан фойдаланганини кўрамиз. Чунончи, кўнглининг ақлига бўйсунмай, гўзалларга ошиқ бўлиши, уни ўз ҳолига қўймаслигидан нолиб ёзган «кўнгли» рафидли ғазалида муфтинни қақириб, қозихонага бориб, сен билан можаро қилиб, орани очик

Буюк аждодларимиз

қилиб олмасак бўлмайд, дейди: *Қилэй эви не орда, ажаб муфти қайдадур. Қилэй эдим сенинг била хуш можаро, кўнгул.*

Бошқа бир ўринда машҳур сав ичганда дуддоқдан томчи томган ерда қанду шакар битади, деб муболага қилади: *Сув инганда дуддоқдан сув томса, Битар қанду шакар ул орда дом.*

Шоир маъшуқасининг гўзаллигини кучли муболага, юксак таъриф билан баланд пардаларда тараннум этади. Дунё аҳли ҳар тонг аслида сенинг ой юзининг тамоша қилиш учун уйғонади. Эртаю кеч ҳаёлинг кўзимдан кетмагани туфайли қаёққа қарамай, фақат сенинг жамолининг қўраман, деб лутф қилади: *Ҳақ суниё, ой юзининг қилмоқ учун тамошо Ҳар субҳидам қопунда халқи жаҳон кўрунур. Эрта-кеч кўзумдан кетмас учун ҳаёлинг, Не ерга боқсам, анда хуснинг аён кўрунур.*

Сайфи Саройи назми сенинг хуснинг таърифи бағишланганлиги учун ҳам хамиша элнинг тилидан тушмайди, барча маъкул ва марғуб деб билади, дейди ғазал мақтасида: *Сайфи Саройи назми хуснинг сифоти бирла Дом бу эл тилинда хуш дилситон кўрунур.*

Маълумки, туркий шёринингда ёзиллиши биро хилу маъноси ҳар хил сўзлар - омониеллар асосида тажнис санъати яратилиш кенг тарқалган. Сайфи Саройи ижодида ҳам тажниснинг гўзал намуналарини кўрамиз: *Бу фалак навчун мени дом қаро қинда тутар? Бу отим Сайф ўлдурчуним қаро қинда тутар? Қанда бир эрдаси эри бўлса, они кўздан солиб, Текима бир эрдаси эри кўз қароқинда тутар.*

Ғазалда қоронғи зиндон, қора қин (ғилоф) ва кўз қорачиги маъносидида «қоракин» сўзидан маҳорат билан фойдаланилган: биринчи мисрада у қоронғи зиндон, иккинчи мисрада - қора қин (Чунки шоирнинг исми Сайф - қилич маъносини билдиради), тўртинчи мисрада - қорачик маъноларида келган.

Куйидаги байтда эса тотор - тотмоқ ва тотор - мўғул қавми воситасида тажнис санъати яратилган. Маълумки, мўғулларни тотор ҳам деганлар. Маъшуқанинг ошиқ қонини тўқувчи қўзлари ҳам қанчадан-қанча элларга қиргин солган шафқатсиз мўғулларга нисбат берилмоқда.

Асли олчин, сўзлари чин, кўзлари тотор эрур, Минг яшар ҳар ким дудого шарбатин тотор эрур.

Э.ОЛИНОВ, филология фанлари номзоди (Давоми бор)

ISHONCH

МУАССИС:
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ

Таҳрир хайъати:

Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жория Алимқўжаева, Маъмура Одилова, Махмудхон Расулов, Элёр Ёқубов, Зайниддин Рихсиев (бош муҳаррир биринчи ўринбосари), Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирзохид Содиқов, Шамсиддин Эсонбоев, Қудратилла Рафиқов, Мирфозил Олимов.

E-mail: ishonch@dostlink.net; ishonch1@dostlink.net

ТЕЛЕФОНЛАР:

Котибият 56-52-78;
Хатлар бўлими 56-85-43;

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди -

Маълумки: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр қўрсаткичи: 133; 134

Ўзбекистон Магбуот ва ахборот агентлигида 035-рақам билан тиражга қўйилган

IBM компьютерида тирелди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ, Сотувда эркин нархда.

«Шарқ» наشريёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Тўрон» кўчаси, 41-уй.